

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАЕВА ФАРЗОНА НУРИДДИНОВНА

**ТАШҚИ ГЕНИТАЛ ЭНДОМЕТРИОЗ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН
АЁЛЛАРНИ ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШДАН СЎНГ
РЕАБИЛИТАЦИЯ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Атаева Фарзона Нуриддиновна

Ташқи генитал эндометриоз билан касалланган аёлларни
жарроҳлик йўли билан даволашдан сўнг реабилитация
усулларини такомил-лаштириш..... 3

Атаева Фарзона Нуриддиновна

Совершенствование методов реабилитации пациенток с
наружным генитальным эндометриозом после
хирургического лечения..... 23

Ataeva Farzona Nuriddinovna

Improvement of rehabilitation methods for patients with
extragenital endometriosis after
surgical treatment..... 45

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lists of published works..... 50

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАЕВА ФАРЗОНА НУРИДДИНОВНА

**ТАШҚИ ГЕНИТАЛ ЭНДОМЕТРИОЗ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН
АЁЛЛАРНИ ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШДАН СЎНГ
РЕАБИЛИТАЦИЯ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2022.1.PhD/Tib2344 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.sammu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)га жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Худоярова Дилдора Рахимовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Закирова Нодира Исламовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рузиева Нодира Хакимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази.

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Тиб.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70А-уй, СамДТУ Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургияси маркази, Тел/факс: 0(366)-233-58-92, 233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233–30–34.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.М. Шамсиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З. Шодикулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.О. Атакулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раис ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда эндометриоз касаллиги энг кенг тарқалган гинекологик патологиялардан бири ҳисобланади. Охириги йилларда олиб борилган тадқиқотлар маълумотларига кўра, «Бепуштлик ва кичик чанок соҳасида сурункали қайталанувчи оғриқ синдроми кайд этилган аёллар орасида эндометриознинг учраши 60%дан ошади, репродуктив ёшдаги клиник жиҳатдан соғлом аёллар орасида эса у 2-17% аниқланади, эндометриоз гинекологик касалликлар таркибида яллиғланишли жараёнлар ва бачадон миомасидан кейин 3-ўринни эгаллайди ҳамда умумий касалланиш таркибида 10%ни ташкил этади, у аёллар репродуктив тизимида функционал ва тузилмавий ўзгаришларга олиб келади ҳамда уларнинг ҳаёт сифатини пасайтиради»¹. Касалликнинг узоқ вақт авж олиб кечиши, репродуктив функциянинг турғун бузилиши, клиник кўринишларининг оғирлиги (доимий оғриқ синдроми, нейроэндокрин бузилишлар), меҳнатга лаёқатлиликнинг пасайиши, касалликнинг ҳозирги вақтда кўп учрашини инобатга олган ҳолда касалликни эрта ташхислаш ҳамда мақбул жарроҳлик даволаш усулларини танлаш, амалиётдан сўнг реабилитация тадбирларини оптималлаштириш, асоратларининг олдини олиш гинекология соҳасида ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Жахонда эндометриозни эрта ташхислаш, унинг оптимал даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва асоратларининг олдини олишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу борада эндометриозни эрта ташхислаш ва прогнозлаш самарадорлигини ошириш, диагностик ва даволаш тадбирлари кўламини аниқлаш, унинг ёш аёллар репродуктив функциясига салбий таъсирининг олдини олиш, асоратларни бартараф этиш ва жарроҳлик амалиётидан кейинги реабилитация тадбирларини оптималлаштириш замонавий тиббиётнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, аёлларнинг репродуктив саломатлигини асраш, тегишли касалликлар ва уларнинг асоратларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва оммавийлигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш, патронаж хизматини ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, касалликларнинг олдини олиш ва самарали ташхисот этиш" каби вазифалар белгиланган...»². Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда эндометриоз билан касалланган беморларни даволаш натижаларини оптималлаштириш, керакли даволаш усулини (жарроҳлик, гормонал) танлаш, ушбу касаллик учун цитокинлар (тизимли ва маҳаллий иммунокоррекция) ёрдамида селектив иммуномодулирловчи терапия билан ифодаланган қайталанушга қарши терапиянинг қўлланилишини баҳолаш,

¹ Бегович Э. ва б., 2022 Quality of life and psychoemotional status in patients with external genital endometriosis //Obstetrics, Gynecology and Reproduction. – 2022. – Т. 16. – №. 2. – С. 122-133.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сонли Фармони.

эндометриози мавжуд аёлларнинг реабилитациясида табиий минерал радон сувидан фойдаланиш, ушбу тоифадаги беморларни тиббий реабилитация қилиш натижаларини яхшилаш, патологик жараённинг узок, қайталанувчи ва асоратланган шакллари частотасини камайтириш, ремиссия давомийлигини ошириш ҳамда ижобий таъсирга эришиш орқали аёллар ҳаёт сифатини яхшилаш ва бепуштликнинг олдини олиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ 60-сонли «Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ 5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июлдаги ПҚ 5199-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий жаҳон адабиёти маълумотида кўра, эндометриоз – клиник гинекологияда, кўпинча, бепуштлик, чанокдаги сурункали оғриқ синдроми, дисменорея, геморрагик синдром билан боғлиқ бўлган касалликдир. Сурункали касаллик ҳисобланган эндометриоз беморлар ҳаёти сифатининг барча томонларига таъсир кўрсатади (Абдикадинова А. А. ва б., 2020; Бегович Э. ва б., 2022). Америка Репродуктив тиббиёт жамияти (ACPM) экспертларининг таъкидлашича, бепуштлик билан кечувчи эндометриозга қайта оператив аралашувларни истисно этиш учун дори-дармонлар билан давони қўллаган (кўрсатма бўйича) ҳолда беморни узок вақт олиб бориш режасини ишлаб чиқиш зарур бўлган касаллик сифатида қараш лозим (ESHRE guideline: management of women with endometriosis. Hum Reprod 2014). Эндометриознинг кенг тарзда учраши нафақат беморларнинг репродуктив саломатлигига жиддий хавф мавжудлигини кўрсатади. Яқинда ўтказилган тадқиқотларда ҳатто рўй берган ҳомиладорлик ҳам эндометриоз она ва ҳомила учун нохуш оқибатларга эга эканлигини кўрсатди (Maria P. Velez va b., 2022). Ҳаттоки, ушбу ҳолат эндометриознинг келиб чиқиши, шунингдек, ушбу касалликда бепуштлик ва репродуктив тизимдаги бошқа бузилишларнинг ривожланишидаги ҳақиқий механизмлар ҳақидаги савол ҳанузгача жумбоқлиги билан боғлиқдир (Agababyan L.R. va b., 2017).

Эндометриозда бепуштлик этиопатогенезининг мавжуд назариялари ушбу жараённинг ҳақиқий моҳиятини охиригача очиқламайди. Эндометриозда субфертилликнинг эҳтимоллий сабабларига қуйидагиларни: эндометрий рецептивлигининг пасайиши, овулятор бузилишлар, “эмбрионал омил”, чандикли жараён ва бачадон найлари моторикасининг бузилиши билан боғлиқ бўлган най ва перитонеал омилни киритиш мумкин. Эндометриозда бепуштликнинг асосий

сабаблари: ановуляция, овариал захиранинг камайиши, ооцитлар сифатининг ёмонлашуви, тухум хужайрани уруғлантириш ҳолатларининг камайиши, эмбрионлар бўлиниш жадаллигининг пасайиши, имплантациянинг бузилиши ҳисобланади (Во Y.Park va b., 2023).

Г.Н. Бекбаулиеванинг маълумотларига кўра, эндометриоз билан касалланган беморларда бепуштлик ривожланишида етакчи ўринни эндометрийнинг норасолиги эгаллайди, ҳатто прогестеронга резистентликнинг ривожланиши билан тавсифланади (Бекбаулиева Г.Н. ва б., 2023). Эндометриоз билан қайд этиладиган бепуштлик эмбрионлар сифатининг пасайиши билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд (Краснополская К.В., 2019). Турли муаллифларнинг маълумотларига кўра, эндометриоз билан касалланган аёлларда бепуштликнинг учраши 55-75%гача етиши мумкин (Оразов М.Р. ва б., 2020; Томассетти С. ва б., 2018; Зондерван КТ ва б., 2020). Ёрдамчи репродуктив технологияларга мурожаат этувчи ҳар учинчи беморда ташқи генитал эндометриоз мавжуд (Краснополская К.В., 2019).

Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун эндометриоз кечишининг хусусиятларини ўрганиш, ушбу беморлар гуруҳини олиб бориш алгоритмини яратиш, мазкур патология ва унинг асоратларини эрта ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, ушбу соҳада мақсадли илмий тадқиқотлар ўтказилиши долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг илмийтадқиқот ишларига мувофиқ № ПЗ-2018-090921394 «Она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича диагностик, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш» (2019-2023 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иммунокоррекция ва бальнеотерапияни қўллаш орқали ташқи генитал эндометриозни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ташқи генитал эндометриозни жарроҳлик йўли билан даволашдан олдин ва кейин аёллар саломатлиги ҳолатини ўрганиш;

маҳаллий ва тизимли даражаларда рекомбинант 1 α -2 интерферонидан фойдаланган ҳолда маҳаллий курорт омилларидаги радонли ванналарни қўллаш орқали эндометриознинг комплекс терапиясини беморлар соғлиғига таъсирини ўрганиш;

ишлаб чиқилган даволаш усули ва анъанавий терапиянинг клиник ҳамда иммунологик самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш;

олинган маълумотларга асосланиб, амалий соғлиқни сақлаш учун эндометриоз сабабли операция қилинган беморларни реабилитация қилиш алгоритмини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси Эндожарроҳлик бўлими ва 1-сон Туғруқ мажмуаси Гинекология бўлимида генитал эндометриоз ташхиси қўйилиб, жарроҳлик ўтказилган ва гистологик жиҳатдан тасдиқланган 150 нафар бемор аёллар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини умумий клиник, лаборатор, иммунологик, гормонал тадқиқот усуллари учун зарур бўлган беморларнинг веноз қони ва унинг зардоби ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор, иммунологик (ИЛ-1 β , ИЛ-2 ва ИЛ-8), гормонал (фолликула стимулловчи гормон (ФСГ), лютеинловчи гормон (ЛГ), пролактин, эстрадиол, прогестерон), функционал, инструментал (УТТ, колпоскопия) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ташқи генитал эндометриоз касаллиги анъанавий жарроҳлик йўли билан даволангандан сўнг аёллар организмида дисфункция ҳолатлари ривожланишининг асосий сабаблари (кичик чанокдаги чандиқ касаллиги, сурункали оғриқ синдроми, психоэмоционал бузилишлар, дисминорея) аниқланган;

ташқи генитал эндометриоз билан касалланган аёлларни жарроҳлик йўли билан даволашдан сўнг реабилитация усуллари анъанавий даво усулига қўшимча рекомбинант интерлейкин-2 ва радон терапиясини қўллаш орқали такомиллаштирилган;

стандарт комплексли жарроҳлик даволашдан кейин яллиғланиш олди цитокинлари даражаси ИЛ-2 1,6 маротаба камайиши фонида ИЛ-1 β – 1,5 маротаба ва ИЛ-8 – 1,3 маротаба ошиши каби ишончли ўзгариши кузатилган бўлса, такомиллаштирилган комплекс даволашдан кейин уларнинг қиймати ИЛ-2 1,6 маротаба ошиши ва ИЛ-1 β – 1,8 маротаба ҳамда ИЛ-8 – 2,1 маротаба камайиши аниқланган;

илк бор ташқи генитал эндометриоз билан касалланган аёлларни жарроҳлик йўли билан даволашдан сўнг тавсия этилган комплекс даво-реабилитация тадбирларини қўллаш орқали оғриқ синдромининг ишончли тарзда камайишига, кичик чанок аъзолари ҳаракатчанлигининг ошишига, чандиқли жараён ифодаланганлигининг пасайишига эришилгалиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ташқи генитал эндометриознинг кенг тарқалган шаклларини комплекс даволашнинг таклиф этилган усуллари самарадорлиги баҳоланган;

ташқи генитал эндометриоз жарроҳлик йўли билан даволангандан сўнг аёллар организмнинг ҳолати бўйича олинган тавсифлар асосида уларнинг соғлиғини сақлаш ва яхшиланишига ҳисса қўшадиган маҳаллий курортлардаги беморларни олиб боришнинг даволаш-ташхисот тадбирлари алгоритми амалиётга татбиқ этилган;

ташқи генитал эндометриоз билан оғриган беморларда хасталикнинг клиник кўринишига, лаборатор ва асосий кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатадиган, асосий касалликнинг такрорланиш частотасини камайтиришга имкон берадиган дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган кузатувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли даражада танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, функционал, гормонал ва статистик тадқиқот усуллари

асосида ташқи генитал эндометриоз билан касалланган аёлларда патологияни эрта ташхислаш ва прогнозлашга қаратилган чора-тадбирларнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эндометриоз касаллигининг ривожланиши сабаблари ва учраш ҳолатлари тўғрисидаги илмий тушунчалар кенгайтирилгани, репродуктив тизимнинг бузилган функцияларини тиклашда радонли ванналар ва иммунотерапиядан фойдаланиш, периферик қон ва перитонеал суюқликда ИЛ-1β, 2, 8 концентрациясини аниқлаш орқали оғриқ синдромининг камайиши ва психоэмоционал ҳолатнинг яхшиланиши, шунингдек, ВАШ бўйича баҳоланганда оғриқнинг ифодаланганлиги камайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жарроҳлик йўли билан даволашдан сўнг интерлейкин ва радонли ванналардан фойдаланган ҳолда эндометриоз билан касалланган беморларнинг реабилитация усулини такомиллаштириш орқали ташқи генитал эндометриоз билан оғриган беморларни даволаш самарадорлиги ошиши натижасида касаллик оқибатини ва ҳаёт сифатини яхшилаш, бепуштликнинг олдини олиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ташқи генитал эндометриоз билан касалланган аёлларни жарроҳлик йўли билан даволашдан сўнг реабилитация усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрь 08/68-сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: ташқи генитал эндометриоз касаллиги анъанавий жарроҳлик йўли билан даволангандан сўнг аёллар организмида дисфункция ҳолатлари ривожланишининг асосий сабаблари (кичик чанокдаги чандик касаллиги, сурункали оғриқ синдроми, психоэмоционал бузилишлар, дисминорея) аниқлаш ва улар бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги эксперт кенгашининг 2024 йил 21 февральдаги 30-сонли билан тасдиқланган “Ташқи генитал эндометриози булган беморларда оғриқ синдромини камайтиришда радон терапиясининг имкониятлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Каттақўрғон шаҳар Марказий кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси 15.01.2023 йилдаги 23-сонли буйрғи билан, Нуробод туман Абу Али Ибн Сино номидаги Нурбулок санаторийси 05.03.2021 йилдаги 15-сонли буйрғи билан, клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрь 08/68-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ташқи генитал эндометриоз касаллиги анъанавий жарроҳлик йўли билан даволангандан сўнг аёллар организмида дисфункция ҳолатлари ривожланишининг асосий сабабларини аниқлаш касалликнинг оғир кечишини башорат қилишга, интенсив даволашни ўз вақтида бошлашга ва асоратлар ривожланишининг олдини олиш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: ташқи генитал эндометриоз касаллиги анъанавий жарроҳлик йўли билан даволангандан сўнг аёллар организмида дисфункция ҳолатлари оғир кечишини ўз вақтида ташхислаш ва

асоратлар ривожланишини олдини олиш натижасида бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 2 750 000 сўмга иқтисодий самарадорликка эришилган.

иккинчи илмий янгилик: ташқи генитал эндометриоз билан касалланган аёлларни жарроҳлик йўли билан даволашдан сўнг реабилитация усуллари анъанавий даво усулига қушимча рекомбинант интерлейкин-2 ва радон терапиясини қўллаш орқали такомиллаштирилган ва улар бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги эксперт кенгашининг 2024 йил 21 февральдаги 31-сонли билан тасдиқланган “Ташқи генитал эндометриози бўлган аёлларда яллиғланиш медиаторлари тизимининг ҳолати.” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Каттақўрғон шаҳар Марказий кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси 15.01.2023 йилдаги 23-сонли буйрғи билан, Нуробод туман Абу Али Ибн Сино номидаги Нурбулок санаторийси 05.03.2021 йилдаги 15-сонли буйрғи билан, клиник амалиётига жорий этилган клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрь 08/68-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: интерлейкинлар даражаси ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш касалликнинг оғир шакллари ривожланишини ўз вақтида олдини олишга, шунингдек, аёлларнинг такрорий касалланишлар сони камайтиришга ва шу билан унинг соғлиғини сақлаш бўйича даволаш чора-тадбирлари тактикасини белгилаш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: ташқи генитал эндометриоз билан касалланган аёлларни жарроҳлик йўли билан даволашдан сўнг реабилитация усуллари анъанавий даво усулига қушимча рекомбинант интерлейкин-2 ва радон терапиясини қўллаш орқали такомиллаштириш касаллик ривожланишининг оғир шакллари олдини олиш натижасида стационар даволаниш харажатларини камайтириш ва қунига 220 000 минг сўм миқдоридан давлат бюджети маблағларини иқтисод қилишга эришилган.

учинчи илмий янгилик: стандарт комплексли жарроҳлик даволашдан кейин яллиғланиш олди цитокинлари даражаси ИЛ-2 1,6 маротаба камайиши фонидан ИЛ-1 β 1,5 маротаба ва ИЛ-8 1,3 маротаба ошиши каби ишончли узгариши кузатилган бўлса, такомиллаштирилган комплекс даволашдан кейин уларни қиймати ИЛ-2 1,6 маротаба ошиш ва ИЛ-1 β 1,8 маротаба ва ИЛ-8 2,1 маротаба камайиши аниқланган ва улар бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги эксперт кенгашининг 2024 йил 21 февральдаги 31-сонли билан тасдиқланган “Ташқи генитал эндометриози бўлган аёлларда яллиғланиш медиаторлари тизимининг ҳолати.” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Каттақўрғон шаҳар Марказий кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси 15.01.2023 йилдаги 23-сонли буйрғи билан, Нуробод туман Абу Али Ибн Сино номидаги Нурбулок санаторийси 05.03.2021 йилдаги 15-сонли буйрғи билан, клиник амалиётига жорий этилган клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрь 08/68-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: олинган натижалар жарроҳлик даволашдан кейин аёлларда дисфункционал ҳолатлар ривожланишини башоратлашда шахсий ёндашувни қўллашга, профилактик ва даволаш тадбирларини олиб боришнинг энг мақбул усуллари аниқлашга, шунингдек, ТГЭ касалликларининг қайта юзага келиши ва сурункали тус олишининг ҳамда эрта ногиронликнинг олдини олишга эришилган. Иқтисодий

самарадорлиги: Муассасаларда амалда татбиқ этилган ишлар натижалари амалиётдан кейинги реабилитация жараёнини яхшилашга ва асоратлар частотасини деярли 11,9%, шунингдек, самарали натижалар сонини 2 баробарга ошириш, даволаниш харажатларини камайтириш имконини берган. Беморнинг стационар даволанишида касалланиш частотаси йилига 1 марта камайтирилган ва ҳар бир бемор учун иқтисодий самарадорлик 2 750 000 сўмни ташкил этиши аниқланган.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор ташқи генитал эндометриоз билан касалланган аёлларни жарроҳлик йўли билан даволашдан сўнг тавсия этилган комплекс даво-реабилитация тадбирларини куллаш оркали оғриқ синдромининг ишончли тарзда камайишига, кичик чаноқ аъзолари ҳаракатчанлигининг ошишига, чандиқли жараён ифодаланганлигининг пасайишига эришилганлиги аниқланган ва улар бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги эксперт кенгашининг 2024 йил 21 февральдаги 31-сонли билан тасдиқланган “Ташқи генитал эндометриози бўлган аёлларда яллиғл аниш медиаторлари тизимининг ҳолати.” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Каттақўрғон шаҳар Марказий кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси 15.01.2023 йилдаги 23-сонли буйрғи билан, Нуробод туман Абу Али Ибн Сино номидаги Нурбулок санаторийси 05.03.2021 йилдаги 15-сонли буйрғи билан, клиник амалиётига жорий этилган клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрь 08/68-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ташқи генитал эндометриоз билан касалланган аёлларни жарроҳлик йўли билан даволашдан сўнг ўтказган аёлларда такрорий дисфункционал ҳолатлар ривожланишини башорат қилиш омилларини реабилитация қилиш алгоритмини ишлаб чиқиш, аёлларда ушбу ҳолатларнинг шаклланиши ва зўрайишини олдини олиш учун реабилитация чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш имконини берган. Бу эса ўз навбатида аёллар орасида такрорий касалланиш даражасини сезиларли равишда пасайтирган. Иқтисодий самарадорлиги: аёлларда тугиш ёшда ва кейинги даврларида ТГЭ касалликларнинг қайта юзага келишининг олдини олиш натижасида амбулатор ва стационар даволаниш харажатларини камайтириш имконини берган. Бу эса амбулатор-поликлиника хизмати ва стационарга мурожаатлар сонини 2-3 бараварга қисқариши ҳисобига бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика даражасидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан, 5 та мақола, улардан 4 таси республика ва 1 таси халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, унинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, абробацияси ва иш натижаларининг чоп этилиши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Ташқи генитал эндометриоз: замонавий даволаш усуллари ва реабилитация"** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг эндометриоз муаммосининг долзарблиги, хусусан, эндометриознинг аёл организмидаги асосий функциялар ишидаги роли тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ушбу патологияли беморларни олиб бориш тактикаси бўйича замонавий қарашлар келтирилган. Эндометриозни даволашнинг замонавий усуллари ва уларнинг натижалари, шунингдек, беморларни реабилитация қилишда бальнеотерапиянинг ўрни таҳлил қилинган. Мазкур патологиянинг беморлар иммун ҳолатига таъсири ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **"Тадқиқот материаллари ва усуллари"** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий хусусиятлари, шунингдек, умумий клиник, лаборатор, иммунологик (ИЛ-1β, ИЛ-2 ва ИЛ-8), гормонал (фолликула стимуловчи гормон (ФСГ), лютеинловчи гормон (ЛГ), пролактин, эстрадиол, прогестерон, функционал (С.М.Мас Лавертй, Р. W.Shaw, 1995 шкаласи бўйича оғриқ синдромининг интенсивлиги; К.К. Яхин, Д.М. Менелевич, 1996 бўйича невротик ҳолатларни баҳолашнинг ўзгартирилган сўровномаси), инструментал (кичик чаноқ аъзоларининг УТТ, колпоскопияси) ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида олинган маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот доирасида тегишли жарроҳлик йўли билан даволанган, генитал эндометриоз ташхиси қўйилиб, гистологик жиҳатдан тасдиқланган 150 нафар аёл текширилган.

Тадқиқотга киритиш мезонлари:

- ташқи генитал эндометриоз ташхиси қўйилган аёллар;
- ТГЭ туфайли жарроҳлик йўли билан даволашга юборилган аёллар;
- тадқиқотда иштирок этишга беморларнинг розилиги.

Тадқиқотдан четлатиш мезонлари:

- ТГЭ сиз аденомиоз билан оғриган аёллар,;
- жарроҳлик ва санатор-курорт даволаш учун монелик бўлган оғир ёндош касаллик (онкологик касалликка гумон, буйрак-жигар етишмовчилиги, хомиладорлик).

Беморлар уч гуруҳга бўлинган:

1. Асосий гуруҳ оператив даводан сўнг "Нагорний" курортида рекомбинант интерлейкин-2 (Ронколейкин) билан комбинацияда тизимли ва

маҳаллий даражада радон ванналаридан фойдаланган ҳолда комплекс реабилитация ўтказилган 115 нафар беморни ўз ичига олган.

2. Таққослаш гуруҳига эндометриоз бўйича умумий стандарт терапияни қабул қилган 35 нафар бемор киритилган.

3. Назорат гуруҳи 35-40 ёшли соғлом аёллардан ташкил топган (иммунологик, ультратовуш ва гормонал назорат гуруҳи).

Барча беморларга шикоятлар, анамнезни йиғиш, объектив ҳолатни баҳолаш, қинни бимануал текширишни ўз ичига олган клиник текширув ўтказилди. Олинган маълумотлар қайд этиш картаси – Кузатув картасига киритилди. Ташхис клиник-лаборатор-инструментал текширув асосида қўйилган ва жарроҳлик аралашувида тасдиқланган.

Беморларнинг ёши 21 ёшдан 38 ёшгача бўлиб, ўртача ёши $31,5 \pm 2,1$ ёшни ташкил этган. Текширилган беморлар тоифасида менархенинг ўртача ёши - $13,1 \pm 2,1$ ёш бўлиб, умумий популяциядан фарқ қилмаган. Бирламчи алгодисменорея типига ҳайз кўриш функциясининг бузилиши 44% текширилган аёлларда кузатилган. Шундай қилиб, бирламчи дисменорея ҳам эндометриознинг симптоми деб ҳисобланиши мумкин. Ёш беморларда ушбу симптомга етарлича эътибор берилмаган. Ёш ошгани сайин ҳайз вақтида оғрик синдроми деярли барча кузатилган (144 – 96%) аёлларда қайд этилган.

Текширилаётган аёллар гуруҳида жинсий ҳаёт бошланишининг ўртача ёши $19,4 \pm 3,5$ ёшни ташкил этди. 123 нафар беморнинг анамнезида ҳомиладорлик ва туғруқ қайд этилган (1-жадвал).

1-жадвал

Эндометриоз билан касалланган аёлларнинг репродуктив функцияси (n=150)

Ҳомиладорлик ва туғруқ натижалари	Мутлақ	%
Муддатидаги туғруқ	86	57,3
Муддатидан олдинги туғруқ	37	24,7
Ўз-ўзидан содир бўлган абортлар	42	28,0
Сунъий тиббий аборт	29	19,3
Сунъий жарроҳлик аборти	18	12,0
Кесарча кесиш	26	17,3
Бачадондан ташқари ҳомиладорлик	11	7,3
Трофобластик касаллик	2	1,

Ташхис қўйишдан олдин касалликнинг давомийлиги ўзига эътиборни тортади. Биринчи белгилар пайдо бўлишидан ташхис қўйишгача ўртача $5,1 \pm 1,7$ йил ўтган. Ташхис қўйишдан жарроҳлик йўли билан даволашгача ўртача $3,6 \pm 1,5$ йил ўтган. Ушбу вақт ичида аёллар ёндош гинекологик касалликлар туфайли бир неча марта даволанишган (2-жадвал).

Кузатилган беморларда ўтказилган гинекологик касалликлар орасида, кўпинча (66% беморда), аёллар жинсий аъзоларининг яллиғланиши касалликлари қайд этилган, 51 нафар бемор “сурункали сальпингоофорит” ташхиси билан узоқ вақт давомида кузатилган, уларда бир неча маротаба, самарасиз ёки самараси қисқа муддат давом этган, яллиғланишга қарши ва сўрилтирувчи терапия ўтказилган.

Эндометриоз билан касалланган аёлларда ёндош гинекологик патологиялар. (n=150)

Касалликлар	Мутлақ	%
Бирламчи алгодисменорея	66	44,0
Сурункали эндометрит	48	32,0
Бачадон ортиқларининг сурункали яллиғланиши	51	34,0
Бачадон бўйнининг хавфсиз касалликлари	38	25,3
Вульва ва қиннинг яллиғланиш касалликлари	44	29,3
Бактериал вагиноз	57	38,0

2-жадвалда кўрсатилганидек, эндометриоз билан касалланган беморлардаги гинекологик касалликлар таҳлилида бирламчи олигодисминорея ва бачадоннинг сурункали касалликлари энг кўп кузатилган. Бундан ташқари, текширилган аёлларнинг қарийб ярмида (72-48%) анамнезида турли жарроҳлик аралашувлари бўлган.



1-расм. Эндометриоз билан касалланган аёлларнинг анамнезида жарроҳлик аралашувлари (n=150)

Анамнезида бачадон бўйни эрозиясининг мавжудлиги 25,3% беморда қайд этилган, улардан 19 нафариди бачадон бўйни диатермокоагуляцияси ва криодеструкцияси амалга оширилган. Анамнезига кўра, 29,3% бемор хламидиоз, уреоплазмоз ва трихомонозга қарши даволанган. Бак.вагиноз к узатилган беморларнинг 38%ида мавжуд бўлган. Шундай қилиб, қин микробиотасининг ўзгариши бачадон бўйни патологияси ривожланишининг хавф омили бўлиши ҳамда диатермокоагуляция ва криодеструкция шаклидаги терапия ўтказилишининг сабаби бўлиши мумкин. Биз ушбу аралашувларни эндометриоз ривожланишининг хавф омили сифатида кўриб чиқамиз. Бундан

ташқари, текширилган аёлларнинг анамнезида, қарийб ярмида (72 нафар - 48%), турли хил жарроҳлик аралашувлари қайд этилган (1- расм).

1-расмдаги маълумотларга кўра, эндометриоз билан касалланган деярли ҳар тўртинчи аёл эндометриоз бўйича жарроҳлик аралашувидан олдин анамнезида бир нечта жарроҳлик аралашувини бошидан ўтказган, 150 нафар текширилган аёллардан 15,3 фоизининг анамнезида эса, эндометриоз оператив даволанганлиги қайд этилган.

3-жадвал

Ташхисга кўра текширилган эндометриозли аёлларнинг таснифи.

10-ХКТ бўйича ташхис	Мутл	%
Тухумдонларнинг юзаки эндометриози (GA10.2)	95	63,3
Тухумдонларнинг чуқур эндометриози (GA10.2)	57	38
Фоллопий найи эндометриози (GA10.5)	51	34,0

3-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил этиб, қайд этиш жоизки, қарийб 10% (9,3%) кузатишларда ташқи генитал эндометриознинг бир неча шакллари бирикмалари кузатилади. Бунинг асосида 4-жадвалда келтирилган даволашнинг жарроҳлик усуллари амалга оширилган.

4-жадвал

Ташқи генитал эндометриоз билан оғриган аёлларда оператив аралашувлар ҳажми (n=150)

Аралашув ҳажми	Мутл	%
Лапароскопик операцияда		
Битта тухумдон резекцияси	33	22
Иккала тухумдон резекцияси ва эндометриоз ўчоқлари вапоризацияси	23	15,3
Цистэктомия	32	21,3
Цистэктомия ва эндометриоз ўчоқлари вапоризацияси	13	8,7
Бачадон ортиқларининг бир томондан олиб ташланиши	22	14,7
Бачадон ортиқларининг бир томондан олиб ташланиши ва тухумдон резекцияси	11	7,3
Лапаротомия операциясида		
Бачадон ортиқлари билан экстирпацияси	3	2,0
Бачадон экстирпацияси ва тухумдон резекцияси	4	2,7
Бачадон ортиқларининг икки томондан олиб ташланиши	4	2,7
Бачадон ортиқларининг бир томондан олиб ташланиши	5	3,3

Катта аралашувларни режалаштиришда лапаротомия операциялари ўтказилишига эътибор қаратиш лозим. 16 та лапаротомиядан 12 таси (75%) қабул қилинганда "ўткир қорин" нинг клиник кўринишлари туфайли шошилиш кўрсатмалар бўйича амалга оширилган. Тўртта ҳолатларда операция "Бачадон миомаси" ташхиси билан қабул қилинган 40 ёшдан катта аёлларда ўтказилган.

Диссертациянинг "Комплекс анъанавий даволашдан олдин ва кейин эндометриозли аёллар саломатлигининг ҳолати" деб номланган учинчи боби тавсия этилган даволашдан олдин ва кейин эндометриоз билан

касалланган аёллар репродуктив саломатлигининг ҳолатини баҳолашга бағишланган.

R-AFS (1985) умумий қабул қилинган таснифга кўра, беморларнинг 54 нафариди (36%) – I босқич, 66 нафариди (44%) – II босқич, 30 нафариди (20%) – III босқич кузатилган.

S.M. MacLaverty, R.W.Shaw шкаласи бўйича даволашдан олдин ва кейин оғриқ синдроми баҳоланган (3-жадвал).

5-жадвал

Эндометриоз билан касалланган беморларда оғриқнинг интенсивлиги (даволашдан олдин) (n=150)

Баллар	Чаноқда оғриқ синдроми (жинсий алоқа ва ҳайз билан боғлиқ бўлмаган)	Диспареуния	Дисменорея
Йўқ (0)	90(60%)	92(61,3%)	6(4%)
Енгил (1)	12(8%)	16(10,7%)	31(20,7%)
Ўрта (2)	47(31,3%)	39(26%)	59(39,3%)
Оғир (3)	1(0,7%)	3(2%)	54(36%)

5-жадвалда келтирилган маълумотлар даволашдан олдин учта тоифа: жинсий алоқа ва ҳайз билан боғлиқ бўлмаган чаноқда оғриқ синдроми, диспареуния (жинсий алоқа пайтида оғриқ) ва дисменорея (ҳайз пайтида оғриқ) бўйича 150 нафар эндометриозли беморларда оғриқ интенсивлигининг тақсимланишини кўрсатади. 5-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, 42,7% кузатилган аёлларнинг қоринда оғриқ сезишлари кўрсатилган. Шундай қилиб, оғриқ синдроми эндометриозли гетеротопиялар турлича тарқалган деярли барча беморларда кузатилади ва кўплаб бирикмаларга эга бўлади: оғриқ ҳайз кўриш билан боғлиқ ҳолатда, жинсий алоқа билан боғлиқ ҳолатда, ҳайз ва жинсий алоқа билан боғлиқ бўлмаган ҳолатда, дефикация ва пешоб ажратиш билан боғлиқ бўлган ва бўлмаган ҳолатда кузатилади, локализацияси бўйича – қорин пастида ёки юқори бўлимларида, иррадиацияси бўйича – чов соҳасига, соннинг ички юзасига, бел соҳасига қайд этилади.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичи меноррагия синдромининг мавжудлиги ва ифодаланганлик даражасини аниқлаштиришдан иборат эди. Геморрагик синдром кузатилган эндометриозли беморларнинг 48 нафариди (32%) мавжуд бўлган. Меноррагия тури бўйича намоён бўлган энг кўп геморрагик синдром (7 кундан ортиқ давом этган, ҳайз пайтида кўп қон кетиши, кечаси гигиеник воситани алмаштириш зарурати билан) 35 нафар (23,3%) беморда, метроррагия – 13 нафар (8,7%) беморда қайд этилган. Таъкидлаш жоизки, жараён тарқалишининг II босқичи кузатилган беморларда қон кетиш тури бўйича циклнинг бузилиши аниқланмаган. 6 нафар (4%) беморда мено – ва метроррагияларнинг бирга кузатилиши қайд этилган. Кузатилганларнинг 43,4%ида ҳайзлараро қонли ажралишлар мавжуд эканлигини алоҳида айтиб ўтишимиз лозим (6-жадвал).

II бобда келтирилганидек, касалликнинг биринчи симптомлари пайдо бўлишидан бошлаб, то эндометриоз ташхиси қўйилгунча бизнинг кузатувларимизда ўртача $5,1 \pm 1,7$ йил ўтган. Ташхис қўйилган вақтдан бошлаб, жарроҳлик йўли билан даволангунча ўртача $3,6 \pm 1,5$ йил ўтган. Оғриқ ва қон


кетишлар, жинсий ҳаётнинг бузилиши ва бошқа физиологик белгилар билан намоён бўлувчи, узок вақт давомида кўп маблағ сарфланиб даволанадиган касалликнинг бундай узок кечиши аёлларнинг эмоционал ҳолатига таъсир кўрсатмасдан қолмаган. Бузилиш эндометриозли аёлларнинг рухий-эмоционал ҳолати ўрганилганда, уларнинг 131 нафарида (87,3%) таъсирчанлик, тез чарчаш, эмоционал лабиллик, уйқусизлик каби ҳолатлар кузатилганлигига эътибор қаратилди, ушбу белгиларнинг намоён бўлиши касаллик тарқалиш босқичлари катталашгани сайин ортган (2-расм).

6- жадвал

Эндометриоз билан касалланган беморларда кузатилган геморрагик синдром (даволашдан олдин n=150)

Синдромнинг намоён бўлиши	Тарқалиш босқичи			x _{i12} x _{i22} x _{i32}	P1 P2 P3
	I 54 (37,8%)	II 66 (44%)	III 30 (20%)		
Меноррагия	-	24(16%)	11 (7,3%)	26,09 11,42 5,47	<0,001 0,001 0,019
Метроррагия	-	7(4,7%)	12 (8,0%)	7,17 12,50	0,007 <0,001 0,236
Ҳайзлараро конли ажралмалар	6(4%)	22(14,7%)	30 (20,0%)	10,08 18,18 1,49	0,001 <0,001 0,222

Изоҳ: I ва II, I ва III, II ва III тарқалиш босқичлари ўртасида P1, P2, P3 – фарқлар ишончлилиги.



2-расм. Эндометриоз билан касалланган аёллар рухий-эмоционал ҳолатининг ўзгариши (даволашдан олдин, n=150)

Эндометриоз патогенезида манфий тескари алоқа принципи бўйича гипоталамо – гипофизар-тухумдон тизими функциясининг бузилиши етакчи бўлин эканлигини эътиборга олиб, биз текширилган аёлларнинг гормонал

ҳолатини ўргандик (7-жадвал). Қонда гормонлар таркиби циклниги биринчи фазасида (5-9-куни) аниқланди.

7- жадвал

**Эндометриоз билан касалланган аёллар қонида гормонлар таркиби
(даволашдан олдин, n=190)**

Ўрганил-ган гормон	Жараён тарқалиш босқичи			Назорат гуруҳи n=40	P1	P2	P3
	I n=54	II n = 66	III n = 30				
ФСГ мХБ/л	5,1 ±0,3	5,9 ±0,3	6,2 ±0,2	5,5 ±0,3	>0,2	>0,2	>0,05
ЛГ мХБ/л	6,2 ±0,2	7,0 ±0,3	7,1 ±0,1	7,6 ±0,2	<0,001	>0,05	<0,05
Пролактин мХБ/л	360,6 ±10	390,7 ±8,5	405,5 ±10	380,8 ±12,1	>0,2	>0,5	>0,1
Эстрадиол пг/мл	210,8 ±5,5	235,8 ±8,6	240,5 ±9,1	176,6 ±5,2	<0,001	<0,001	<0,001
Прогестерон нг/мл	0,9 ±0,02	1,1 ±0,03	1,2 ±0,03	1,1 ±0,02	<0,001	>0,5	<0,01
Тестостерон нмол/л	0,77 ±0,02	0,91 ±0,03	1,1 ±0,03	1,21 ±0,03	<0,001	<0,001	<0,05

Изоҳ: I ва назорат, II ва назорат, III ва назорат гуруҳлари ўртасида мос равишда P1, P2, P3 – фарқлар ишончилиги

